“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Навоий Абу Али Ибн Сино
номидаги Жамоат саломатлиги
техникуми
Директори в.в.б
Н.Сувонов

# Бажарувчи ташкилотни товар хом ашё биржасида эълон (энг яхши таклифларни танлаб олиш) жойлаштирилган ҳолда электрон танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Навоий ш. -2022

## Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм ва нархлар қисми

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: **Навоий Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлик техникумига махсус кийим ҳамда ишчилар халати сотиб олиш учун.**

1.2. Танловнинг юкори қиймати – 3 **800 000 (Уч миллион саккиз юз минг)** сўм (ҚҚС билан) . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Навоий Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлик техникуми** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Навоий вилоят, Навоий ш., С.Айний кўчаси 1А

Эл.адрес: **navoiyb@tibbiyot.inbox.uz**

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Навоий Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлик техникуми** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматини, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги (буйруқ нусхалари;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

2022 йил давомида бажарган ишларининг шартнома наъмуналари;

ўз кучлари билан илгари бажарилган ишларидан фото маълумотлар;

илгари шартнома асосида ишлаган буюртмачилардан ижобий хулоса;

хисоб рақамида кортатека йўклиги тугрисида банк маълумотнома

ишларни бажарилиши юзасидан кафолат хати;.

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда ваколатли шахс электрон имзоси билан тасдиқланган ҳолда **Республика товар хом-ашё биржаси** орқали электрон тақдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорплар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таалуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда,

агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

**Навоий Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлик техникумига покривал ҳамда комплект постел-белю етказиб бериш бўйича**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | **Навоий Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлик техникумига махсус кийим ва ишчилар халати** етказиб бериш |
| 2 | Буюртмачи | Навоий Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми |
| 3 | Буртма учун асос | **Навоий Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлик техникумига махсус кийим ва ишчилар халати** етказиб бериш, зарурий талабга кўра |
| 4 | Объектнинг жойлашган манзили | Навоий шаҳар С.Айний кўчаси 1А |
| 5 | Қатнашувчилар учун талаблар | **Навоий Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлик техникумига махсус кийим ҳамда ишчилар халати** етказиб бериш |
| 6 | Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари | танлов предмети қийматини, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги (буйруқ нусхалари;<br>шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;<br>2022 йил давомида бажарган ишларининг шартнома наъмуналари;<br>ўз кучлари билан илгари бажарилган ишларидан фото маълумотлар;<br>илгари шартнома асосида ишлаган |

| | | |
|---|---|---|
| | | буюртмачилардан ижобий хулоса;<br>хисоб рақамида кортатека йўклиги тугрисида банк маълумотнома<br>ишларни бажарилиши юзасидан кафолат хати;. |
| 7 | Барилган ишларнинг ҳисоб-китоби | Олдиндан 30% ва ишлар бажарилгандан кейин тақдим этилган счет фактурага асосан 70% тўлов |
| 8 | Ишни бажариш муддати | 1 кун |
| 9 | Техника хавфсизлиги бўйича талаблар | Ишларни бажарилиш жараёнида техника хавфсизлиги қоидалари ва нормаларига риоя этиши шарт |
| 10 | Молиялаштириш манбаи | Бюджет маблағлари ҳисобидан |

**Етказиб бериладиган товарлар рўйхати**

| № | Номи | Шт (дона) | Нархи | Жами нархлари | Параметри |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Махсус кийим** | 10 | **240 000** | **2 400 000** | Махсус кийим компьлект Размери 170х150см. Сифатли Диоганал хитой материалдан тайёрланган. Орка томонига Мед техникум деб ёзилиши керак. Хомашёси сифатли тоза пахтадан . Ранги танланади. |
| 2 | **Ишчилар халати** | 7 | **200 000** | **1 400 000** | Ишчилар халати 150/200 см. Сифатли Диоганал хитой материалдан тайёрланган Ранги танланади. |